

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVRASIDA

№ 31 (377)
2019 - yil
1 - avgust
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

УЙЛАНАЁТГАН

ЎФЛИНГМИ Ё ҲАКАЛАК ОТГАН

НАФСИНГ?

7-бет



Ҳоким ва тadbиркор: ҚУРИЛИШЛАР ВА БУЗИЛИШЛАР

3-бет

ТАНҚИДГА МУНОСАБАТ

билдирилиши шарт

2-бет



БЕНЗИН, ГАЗ, ЭЛЕКТР

қанчага ошяпти?

6-бет

ҚУРОЛНИ

қонуний олиш мумкин

6-бет

НАРХЛАР ЎЙИНИ

ортида кимлар бор?

7-бет

«БИЛМАЙМАН

ҳеч қачон
билмайман»

8-бет

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

uzkitob.uz

Энг сара
китоблар
ассортименти

Абдулла АРИПОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир:

Танқидга муносабат билдирилиши шарт!

«Тўғриси айтиш керак, баъзи раҳбарлар матбуот билан ишлашни иккинчи ва ҳатто бешинчи даражада иш деб қарамоқда. Баъзи ташкилотлар ахборот хизмати вакилларига етарли шароит яратиб бермаган. Шу кунгача 20 га яқин давлат ва ҳўжалик бошқарув органларида, 150 дан ортиқ туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликларида ахборот хизматлари ташкил қилинмаган. Бориға ҳам яна бошқа ишлар топшириб қўйилганки, у ўз иши билан шуғулланишга улгурмайди ҳам.

Айрим ташкилотларнинг веб-сайтлари йиллар давомида ишламайди. Ваҳоланки, ОАВда халқнинг диққат марказида бўлаётган долзарб мавзулар ёритилмоқда, аммо бу ташкилотлар жим. Ташкилотлар кимдир тепадан буйруқ беришини кутмай ўзи ҳақидаги мақолаларга муносабат билдирилиши керак».

Маълумотларга кўра, жорий йил июль ойда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятига оид 500 га яқин танқидий материал эълон қилинган. Шулардан 288 таси вазирлик ва идоралар, қолгани маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига тегишли. Танқидий мақолаларнинг

200 таси фейсбук, 25 таси телеграм, 60 дан ортиғи бошқа ижтимоий тармоқларда, 90 дан ортиғи теле ва радиоканалларда, 80 дан ортиғи матбуотда эълон қилинган. Бу танқидий материалларнинг 18 фоизи, яъни 91 тасига мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан муносабат билдирилган, холос.

■ Фикр

ШИШАЁТГАН ПУФАК

Саноксиз ситилар, йилда бир марта мажлис ўтадиган ҳашаматли бинолар, зўрлаб тикиштириладиган турли «намунали» уйлар, бойларга аталган, лекин халигача харидор топилмай бўм-бўш турган қасрнамо уйлар узра буюк бир пуфак шишиб келмоқда...

Эшитдимки, Роҳатдан нариқда яна учта сити – Эко-сити, Этносити ва Киносити куриларкан. Киночилар орзу қилган Киноакадемия ҳам ўша ерда бўларкан. «Ўзбекфильм» атрофида анҳорга туташ нечадир гектар бўш ер бор, студиянинг ўзида 2-3 та ҳайхотдай павильон ҳам бор. Ушаларни таъмирласа, тартибга келтирса бўлади-ку, деб ўйласангиз хато қиласиз. Унда Киносити бўлмай қолади. Хуллас, мутлақо янги Киносити кураимиз.

Лондон каби йирик шаҳарда

биттагина сити бор, бор пул ўша ерда айланади, Нью-Йоркда – биргина Уолл Стрит, дунёнинг ярим пули ўша ерда. Токио, Франкфурт, Масков... уларда ҳам иш маркази, яъниким олди-берди қилинадиган жой – биттадан. Бизда Тошкент Сити, Олмазор Сити, Юнусобод Сити ва ҳоказо ситилар.

Мамлакатдаги ягона биржа дурустрок ишламайди-ю, пойтахтнинг ўзида бешта, вилоятларда биттадан сити (иш маркази) куришга киришдик. Одатда рўзгорни сал бутлаб олиб, кейин янги иморат курилади. Лекин бу қоида бизга ярашмайди. Биз кураимиз. Янгидан янги, ўзи ҳам, сарфи ҳам қатта биноларни кураверамиз.

Дарвоқе, қуни кеча Қўқонда ҳам сити курилади, деган хушxabарни эшитдик.

Ҳамма биледи, аввалига мактабу коллеж куриб пул ўғирладики.

Буюк шаҳарларимиз ва буюк

боболаримизнинг номларини сотиб, нечадир мингу юз йилликларини нишонлаб пул ўғирладики.

Ғариблиқда намуна бўладиган саноксиз уйлар куриб пул ўғирладики.

Энди навбат ситиларга келди.

Саноксиз ситилар, йилда бир марта мажлис ўтадиган ҳашаматли бинолар, зўрлаб тикиштириладиган турли «намунали» уйлар, бойларга аталган, лекин халигача харидор топилмай бўм-бўш турган қасрнамо уйлар узра буюк бир пуфак шишиб келмоқдаки, бирикки йил ичида пақ этиб ёрилиб кетиши мукаррар. Пуфакни ва шу бахона ҳамённи шишираётган муттаҳамлар четга қочади, алданган ЭЛ қолади, бўғзгача қарзга ботган МАМЛАКАТ қолади. Кейин нима бўлишини ўйлашга юрагим бетламайди...

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ,
ёзувчи

ҲЕЧ ЗОТ

ҲОКИМ ВА ВАЗИР: манфаатлар тўқнашувими ёки даҳанаки жанг?

Ижтимоий тармоқларда Андижон вилояти ҳокими Шўҳрат Абдураҳмонов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарини «ифлос, ҳайвон, хезалак» деб сўққан аудиоёзув тарқалиб, анчагина муҳокамаларга нишон бўлган эди. Ушанда ҳақоратлар оқимининг энг шиддатлиси Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Авазбек Абдураҳмоновга нисбатан айтилгани англашлади. Икки ярим соатлик аудиоёзув Избоскан тумани маркази Пойтўғда бўлиб ўтган мажлиснинг ёзуви экани кейинроқ маълум бўлди.

Албатта, ҳокимнинг кўполлигидан ижтимоий тармоқлар ларзага тушди. Гарчанд бу тахлит ходисалар изчил чиқиб турган бўлса-да (Фароно вилоят ҳокими бутун бошли бир туман аҳлини ҳақоратлагани, Андижон шаҳар ҳокими мактаб директорларини сўққани ва ҳатто жарима тўлагани ҳали унутилгани тўқ), бу гапги бепарда сўқинишлар ҳаммасидан ошиб тушганди... Шовқин бироз тинди, энди ушбу жанжалнинг тағиди ходисаларни таҳлил қилиш мумкин.

Икки соатлик бақир-чақирни эшитиш ҳам оғир, бу ерда келтириш ҳам мушкул. Бу бозордаги даҳанаки жанг ё чойхонадаги олифтах жанжал эмас, ахир. Бу бир улкан вилоят раҳбарининг зиёли шифокорга айтаётган гапларидир.

Хўш, бу қадар «бақир-чақир»га сабаб бўлган ходиса нима эди? Ҳоким соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига нисбатан айтган ҳақоратли гапларини бошқарма Андижонда ишлаб чиқарилган шприц ва тиббиёт кўлқопларини сифатсиз деб, Тошкентдаги фирмалардан сотиб олаётгани билан изоҳлайди: «...Тошкентдаги битта ифлос бир ердан импорт қилиб олиб келяпти, шприцни. Уни тепасида 15-20 фоиздан ҳаммаси ўтирибди. Энди уларнинг ризки қирқилди-да!...»

Аён бўладики, ҳоким билан бошқарма бошлиғи ўртасидаги жанжал аслида манфаатлар тўқнашувининг оқибатидир.

Вилоят ҳокими барча туманлардаги тиббиёт бирлашмаларига ажратилган бюджет пулларига фақат у таклиф қилган Андижондаги заводдан шприц ва перчатка сотиб олиш талабини қўйган. Врачлар эса, бу маҳсулотларнинг сифатли эмаслигидан, дорига ўтка-

зилган пуллар ҳам заводга ўтиб кетаётганидан Соғлиқни сақлаш вазирлигига мурожаат қилишган. У ердан ишчи гуруҳ келиб, вазиятни ўрганишга ва ҳоким нотўғри иш қилаётганини унга айтишган.

Асл сабаб...

Элнинг оғзини ланг очдирган жанжалнинг асл сабаби аён бўлди: гап соғлиқни сақлашга ажратилган пулларнинг тасарруф қилинишида экан. Ўзининг талаби бир қарашда ҳақли кўринган даъвогар икки томон ҳам қарама-қарши томонни тамағирликда айблайди.

Ҳоким худудда фаолият юритаётган фирманинг тиббий ашёларини сотиб олиш лозимлигини, бу фирмада шу ерлик халқ ишлаётганини ва у маҳаллий бюджетга сезиларли солиқ тўлашини айтиди ва қарши томондаги соғлиқни сақлаш бошқармаси ва унинг юқоридаги вазирлигини ўзларига таниш фирма орқали давлат бюджетни пулини сарфлаётганини, шундан манфаатдорлигини даъво қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят бошқармаси раҳбарияти беморларнинг соғлиғи муҳимлигини, сотиб олинаётган тиббий ашёлар сифатли бўлиши лозимлигини, вилоятдаги фирмалардан олинишида ҳокимнинг манфаати борлигини айтиди.

Икки томоннинг ҳам даввоси асослидаги жанжал бўлади ва шубҳасиз асослидаги ҳам кўринади.

Наҳотки ечим бўлмаса?

Ечим бор ва у шундоқ юзада турибди. Юзага келган вазият давлат бюджетни маблағларининг тасарруф этилиши жараёни ҳали ҳам тор ҳоналарда

Сенатда Президент айтган қўмита тузилди

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди, дея хабар берди «Xabar.uz». Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида Президент Шавкат Мирзиёев янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасини тузишни таклиф қилган эди.



Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб турмуш ва меҳнат шароитларини яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда камситилишига йўл қўймайлик, бу борада амалга ошириладиган ислохотларнинг бориши устидан тизимли парламент назоратини амалга ошириш янги қўмитанинг асосий мақсадларидир.

Қўмита мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқади. Гендер тенглик масалалари ва оила институтини ривожлан-

тиришга оид қонуларни мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамда халқроқ ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириб боради. Шунингдек, жойларда аҳоли, жумладан, хотин-қизлар билан беvosита мулоқот қилиш орқали гендер тенглик масалаларига оид ҳақиқий аҳволини ўрганиш, аниқланган масалаларни парламент назорати воситаларини қўллаган ҳолда ҳал этиш чораларини кўриш, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш самардорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг хотин-қизлар, гендер тенглик ва оила институтига оид масалалар юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш қўмита вазифаларига қиради.

ҚОНУНДАН УСТУН ЭМАС, ҲАТТО ҲОКИМ ҲАМ

ҳал этилаётганини кўрсатади. Соҳа томонида буни вазир ёки бошқарма бошлиғи ҳал қилади. Ҳокимликда ҳокимнинг айтгани-айтандир. Аслида ҳар икки томонни шубҳадан холи қилиш учун давлат харидлари соҳасини шаффоф ва ошқаралик асосида ташкил этиш, харидларни ҳалол тендерлар орқали амалга ошириш зарур. Бу Коррупцияга қарши курашга онд Давлат дастурида ҳам, ҳукумат қарорларида ҳам бевосита кўрсатилган. Ўша ҳокимият хайрихоҳ бўлган фирма ҳам, вазирлик хайрихоҳ бўлган дилерлар ҳам ошқаро тендерда қатнашса, жамоатчилик соҳага қанча пул ажратилганини, қайси сарфланганини билса, матбуот бу жараёни ҳаққоний ёритса, шу тахлит жанжаллар ва ўзаро айбловларга ҳожат қолмас эди.

ҲОКИМ ВА ТАДБИРКОР: қурилишлар ва бузилишлар

2019 йил 20 июлда қашқадарёлик тадбиркор унинг дўконини бузмочки бўлган ҳоким ўринбосарига бензин сеип ёкиб юборди. Воқеа симптоматиклиги билан ҳамма ни ларзага солди. Чунки ҳокимларнинг зўғумидан сўнг ўзини осган, ўзини ёққан тадбиркорлар бўлган. Нима учунди ҳокимларнинг зўғумидан сўнг ўзини осган, ўзини ёққан тадбиркорлар бўлган. Нима учунди ҳокимларнинг зўғумидан сўнг ўзини осган, ўзини ёққан тадбиркорлар бўлган. Нима учунди ҳокимларнинг зўғумидан сўнг ўзини осган, ўзини ёққан тадбиркорлар бўлган.

Нимадан бошланган?

Хабар қилинишича, 4-5 ойдан буён Яккабоғ посёлқасида «Обод қишлоқ» дастури лойиҳасига тушган ҳудудда кўча кенгайтирилиб, йўл устида жойлашган қурилишлар бузилмоқда. Тадбиркорнинг ҳам дўконини бузилиши керак бўлган ва бунга тадбиркор оила аъзолари билан бир қанча вақт қарши бўлиб келган.

20 июль куни Яккабоғ тумани ҳоким ўринбосари соат 17:30 ларда «Ҳисор Сарлочин» МЧЖнинг бир қатор дўконларини бузмочки бўлган. «Тадбиркор бунга қаршилиб кўрсатган. Чорасиз қолганидан сўнг ҳоким ўринбосари устига бензин куйиб уни ёкиб юборган. Оқибатда у терининг 30-40 фоиз куйиши жароҳати билан касалхонага етказилган», – дейди Бош прокуратура хабарида. Ушбу ҳолат юзасидан Яккабоғ прокуратура-

си томонидан тадбиркорга нисбатан жиноий иш кўзғатилган.

Маълумотларга кўра, бинони бузиш учун ҳеч қандай оғохлантириш берилмаган, воқеа бўлиб ўтган, ҳокимликдагилар оғохлантириш хати олиб келган. Компенсация ҳақида-ку гап-сўз бўлмаган. Ўша заҳоти тадбиркор ва унинг ўғлини тўғри ИИБ бўлимига олиб кетишган.

Дарвоқе...

Шубҳасиз, самосуд – яъни қонунбузарликларга қарши қонунбузарлик қилиб курашиш мақбул иш эмас. Бировнинг устига бензин куйиб ёкиб юбориш, ўзгалар ҳаётини хавф остига қўйиш жиноятдир. Ҳар икки томоннинг ҳам ҳатти-ҳаракатларига адолат билан ёндошиш керак.

Яккабоғлик тадбиркорнинг ҳокимият вакилига бензин сеипиб, ўт қўйишига баҳо бердик. Энди ҳокимият вакилининг ҳаракатини кўрайлик: ичида одамлар турган бинони бузишга унинг заррача ҳақ-ҳуқуқи борми?! Ким унга далла ва ҳуқуқ бердики, на оғохлантириш хати, на товоп пулисиз ўзганинг мулкни вайрон қилади? Экскаватор бошқаришга ўқиганми, шу вайронкор машинани хайдашга да-лолатнома ё ишончнома олганми?

Ҳоким ўринбосарининг бу ҳаракати ҳам – унинг ўзига ҳос самосуди эмасми?

Ечим бормиди?

Конституция ва қонунларга ҳар икки томон риоя этганда, бу бало йўқ эди. Конституция-мизда мулк дахлсизлиги қафолатланган. Қонунларимизда фуқаро мулкни фақат давлат эҳтиёжлари учун ва олти ой олдин оғохлантириб, товоп пули тўланганча, бузиш мумкинлиги кўрсатилган.

Жимжимдор ҳисоботларини, ҳар қадамларини «ривожланган давлатлар тажрибаси», «жаҳон стандартлари» билан изоҳлайдиган ва жажондан фақат ўз фойдаларига ишлайдиган тажрибаларни оладиган кўпгина амалдорларимиз бу борада ҳам анча-мунча нарсани билиб қўйишса ёмон бўлмасди. Мисол учун, АҚШнинг конституциясига кўра, «Конгресс сўз ва матбуот эркинлигини чекловчи бирор-бир қонун чиқариши мумкин эмас» ва «хусусий мулк ўрни қопланмасдан жамият фойдасига мусодара қилиниши мумкин эмас». Конституцияда таъкидланишича, ҳукумат ёки хусусий компания бошқанинг мулкни оғохлантириш ва муносиб компенсация пулини тўламай, тортиб олиш, мол-мулкка зиён етказишга ҳақли эмас. Одатда, мол-мулк тортиб олинаётгани учун тўланадиган компенсация пули бозор қийматидан паст бўлмайди. Ҳукумат ва мулкдор



бу борада музокара олиб бориши белгиланган. Агар иш музокара билан ижобий ҳал этилмаса, суд масалани ўрганади ва давлат ё жамият манфаатини кўзлаб эмас, балки адолатли қарор чиқаришга интилади.

Мулкнинг дахлсизлиги ҳалқаро ҳуқуқнинг таркибий ўзагидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 17-моддасида «Ҳеч қим зўғумлик билан ўз мулкдан маҳрум этилиши мумкин эмас», – дея қатъий белгиланган.

Бировнинг уйини оғохлантириши ва товоп тўламасдан бузаётган ҳокимият нафақат ўз қонунларини ва мамлакат Конституциясини бузаяпти, балки ҳалқаро ҳуқуқда кўзда тутилган жиноятни содир этмоқда.

Қонун нима дейди?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги «Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкалари олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида» низоми тасдиқлаш ҳақида» қарори бор. Унга кўра, давлат эҳтиёжларига кўра уйлар бузилиши мумкин, аммо уйни бузиш яна уй қуриш – давлат эҳтиёжи эмас. Уй қуриш бизнеси вакилларига маҳаллаларни тортиб олиб бераётган ҳокимлар коррупция даввоси остида қолиши табиийдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида ҳам бу тартиб яна бир марта тақдорланган бўлиб, ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва ишоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарар ўрни тўлиқ қоплангандан кейин рухсат берилиши айтилади.

Бунга риоя қилинганми?

Бугунги кунда ҳокимиятларнинг алақачон бузилган уйлар учун товоп тўлашидан қарзи 300 миллиард сўмдан ошганлигини Адлия вазирлиги таъкидламоқда.

Алал-оқибат...

Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимларни тадбиркорларга тегишли мол-мулкни бузишга йўл қўймаслик ҳақида қатъий оғохлантирди: «Барча ҳокимларни қатъий оғохлантираман – асосли зарурат бўлмаган ҳолда тадбиркорларга тегишли мол-мулкни бузишга умуман йўл қўйилмаслиги зарур ва шарт».

ҚАНДАЙ ХУЛОСА ЧИҚАРИЛМОҚДА?

Мамлакат раҳбари ҳокимларни «менинг вакиларим» деганда халқни қонун доирасида бошқариш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жойларда адолат ўрнатиши назарда тутилган шубҳасиз. Халқни сиқиб, сувини ичиш, устига бульдозер хайдаш учун эмас асло!

Бу ҳатти-ҳаракатлар ислохот эмас, уларга қарши ҳаракатлардир. Халқнинг бошқа чораси қолмаса, қонуний йўл билан ҳокимларга бас қелолмаса, Яқкабоғдаги ҳолатлар юзга келади. Бунақа зўғумликлар охири ижтимоий бухронларга олиб боради.

Президент бир неча марта: «Ҳокимлар – менинг жойлардаги вакиларим. Уларни ўзим ҳимоя қиламан», – деган албатта. Бирок давлат раҳбарининг «Тадбиркорлар – менинг ҳимоямда», «Шу халқимиз биздан адолат истайди», деган гапларини ҳам унутмайлик.

Подшоҳ саройидаги базмларнинг гули бўлган, император эҳтиром қилган Александр Пушкин: «Император ҳимоясидан қонун ҳимояси афзал», – деган эди. Чунки император бугун яхши кўриши, эртага ёқтирмай қолиши мумкин. Мамлакатда қонун ишлаши керак.

Шубҳасиз, «шоқол», «марраз» дегани ҳақоратдир, «хезалак» дейиш шахсининг эркаклик қобилиятига шубҳадир, шаънига иснодир. Жиноят кодексининг 139-моддасида кўзда тутилган, озодликдан маҳрум этилишга сабаб бўладиган жиноятдир. Буни кўриб ўша мажлисада ўтирган қонун назорати юқланган ташкилот раҳбарларининг ҳеч нарсаси юз бермаётгандай, жим ўтириши ҳуқуқий давлатга мос иш эмас. Шундай ҳақоратлар оқибатсиз қолаётган бир пайтда яна бир мансабдор – халқ таълими вазири бор-йўғи «газета ва китоб ўқимаган» дегани учун саксон ёшли журналистни ҳақоратда айблаб судга бергани ва бу даврони судлар жон деб қабул қилганини унутганимиз йўқ.

Ҳокимларнинг мажлисларда осонгина «қаматаман», «ол, мана буни олиб бориб тикиб қўй, кўзи очилсин» дейиши ҳам ҳайратлидир. Эй, биродарлар, бугун буларнинг барчасини дунё кўриб турибди. Шу мажлисада ўтирган прокурор ёки ички ишлар раҳбари: «Ўз, сизда бировни қаматишга ҳуққ қилиш ваколати йўқ», деб айта олмайдими?!

Демократик ҳуқуқий давлат қураётган эҳнимиз, қонун устуворлигини эълон қиларканмиз, давлат ва жамият муносабатларида маданиятли, қонунга асосланган, инсоний муносабатларни ўрнатишимиз лозим.

Карим БАҲРИЕВ

Кимё, озиқ-овқат, нефть ва газни қайта ишлаш технологиялари бўйича малакали, ўз касбининг устаси бўлган мутахассисларни тайёрлайдиган таянч олий таълим муассасаси – Тошкент кимё-технология институти фаолиятига бир назар



TOSHKENT KIMYO-TEKNOLOGIYA INSTITUTI
NOORGANIK MODDALAR KIMYOVIY TEXNOLOGIYASI FAKULTETI

КИМЁГАРЛАР КАТТА АВЛОДИГА

Ўқиган доим ўзаверади

Хаётда инсон олдида доим икки йўл бўлади. Бир эзуликка, ёруғлик томон етакласа, бирининг охири йўк, бўлса ҳам тубсиз жарлик экани шубҳасиз. Қай бирини танлаш ҳар бир инсоннинг ўзига боғлиқ. Кимдир шу бугунги кун ўтишини ўйласа, бошқа биров нафақат бугунги кун, балки ўзининг эртаси, келажак учун ҳам бугун пойдевор қўйишга ҳаракат қилади.

Халқ билиб айтди: «Ўқиган ўғил отадан улуг», «Ўқиган ўзар». Хуллас, инсон бир умр ўқиб-изланишдан тўхтамайди. Бирор касбини танлаш ва бунинг учун қайси олий ўқув юртида тахсил олиш масаласини ҳал этиш инсон ҳаётида муҳим танлов ҳисобланади. Бугун мактабни тугатиб, катта ҳаётга дадил ва мардона қадам қўймоқчи бўлаётган ўғил-қизлар ҳамда уларнинг ота-оналари ўртасида бўлиб ўтаётган суҳбатларнинг асосий мавзуси ҳам аини шу бўлса ажаб эмас.

Умуман олганда, ҳаётда жонини қийнаб, машаққат чекиб ўқиган инсон учун бир талай имконият эшиклари очирили турган гап. Фақат бундай қулай имкониятдан ўрнида фойдаланиш катта ҳаёт сари қадам ташлаётган ўсмирнинг ўзига боғлиқ.

Инсон йигирма ёшга тўлганда хусни ҳам, илми ҳам, тақдорланмас гўзал фазилатлари ҳам камолот чўққисига етган бир фаслда бўлади. Уларнинг юраги пок, иродаси кучли, истисъодои эса чиниққиш палласига етади бу даврда.

Буни қаранг, пойтахтимизнинг қок марказида жойлашган Тошкент кимё-технология институтида қалбига улкан орзуларни жойлаган минглаб ўғил-қизлар сабоқ олади. Мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 6 майдаги фармонида биоано собиқ Тошкент политехника институти таркибидagi кимёвий технология ва муҳандислик технологияси факультетлари негизда ташкил этилган. Илм даргоҳи кимё, озиқ-овқат ва нефть-газни қайта ишлаш технологиялари бўйича малакали мутахассисларни тайёрлайдиган республикадаги таянч олий таълим муассасаси ҳисобланади. Олтита факультет, йигирма етита кафедра мавжуд. Институтида ўн тўртта ба-

калавр таълим йўналиши ҳамда йигирма иккита магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Қарийб тўрт минг ўринга мўлжалланган тўртта ўқув биноси, талабалар турар жойлари, ошхона, учта очик турдаги спорт майдончаси ҳамда иккита спорт залидан доимо қизиқувчи ёшларнинг қадами узилмайди. 4 минг 344 нафар талаба эса ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиш учун белни маҳкам боғлаган ҳолда ўқиб-ўрганмоқда.

Узукнинг чиройли кўзи

Бир маҳаллар эътиборсизлик, менга нима қабилда қараб келинган кўпгина соҳалар эндиликда ўз қаддини тиклаб, ўнганлиб борапти. Ана шундай барҳаёт соҳалардан бири ҳеч шак-шубҳасиз кимё-технологиялар йўналишидир. Биласиз, унинг кундалик ҳаётимизда тутган ўрни, мавқеи жуда-жуда улкан. Шунинг учун бугунги кунда мазкур соҳага дадиллик билан янги ва замонавий технологиялар татбиқ этиб бориляпти. Агар таъбир жоиз бўлса, мазкур соҳа узукнинг ёқут кўзи каби кўзни камаштира бошлади.

– Давр анча илдамлаб кетди. Бу эса соҳа ходимларидан ўз устида тинимсиз ва муттасил равишда изланиш олиб боришни талаб этади, – дейди **Тошкент кимё-технология институти ректори, кимё фанлари доктори, профессор Шухрат МУТАЛОВ**. – Колаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, таълим сифатини ошириш, соҳани ривожланган, илгор давлатлардаги сингари янги, сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш сингари бир-биридан долзарб масалалар ўрин олган. Шу билан бирга кимё-технология соҳасини ҳам тез орада янги поғонага олиб чиқиш кўзда тутилган. Аслида илм даргоҳимизнинг асосий вазифаси мамлакатимизга кимё, озиқ-овқат, нефть-газни қайта ишлаш, қурилиш маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига замонавий мутахассисларни тайёрлаб беришдан иборат. Фаолиятимиз давомида давлатимиз раҳбарининг юқоридаги муҳим қарори ижросини таъминлашга астойдил киришганмиз. Шу мақсадда мавжуд профессор-ўқитувчиларнинг ишчанлигига ҳамда сезиларли фойда беришига жиддий аҳамият қаратилмоқда. Негаки, бозор иқтисодиётининг талаби шундай.

Институт ректори Шухрат Муталовнинг бизга маълум қилишича, ўтган йиллар давомида илм даргоҳи кимё, озиқ-овқат, нефть-газ, қурилиш материаллари ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ўн мингдан зиёд юқори малакали муҳандис технологлар, таълим йўналишлари бўйича мингдан ортик бакалавр ва йигирмадан ортик мутахассислар бўйича магистрлар тайёрлаб берган экан. Умуман олганда, битирувчиларнинг кейинги тақдирининг институти доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Аслида уларнинг иш билан таъминлашни даражаси тўқсон фоизни ташкил этади. Таълим даргоҳида тайёрланаётган кадрлар асосан «Ўзимёсанот», «Ўзбекнефтьгаз», «Ўзбекизоққовқатхолдинг», «Ўзшаробсанот» акциядорлик жамиятлари, «Ўзстандарт» агентлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофааза қилиш давлат кўмитаси, Шўртан газ кимё мажмуаси, Қўнгирот сода заводи, «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «Муборак газни қайта ишлаш» унитар шўъба корхонаси, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи, «Artel» компанияси, «Асл ойна» акциядорлик жамияти, «Лукойл Ўзбекистон Оперетинг компанияси» АЖ сингари нуфузли корхона ва ташкилотларда фаолиятини давом эттиради. Келажак мутахассисларини тайёрлаш ишига пухта ва жиддий тарзда ёндашилмоқда.

Халқаро ҳамкорлик меваси

Шу кунга қадар хориждаги нуфузли олий даргоҳлар билан «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилда қилинган ҳамкорлик алоқалари бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Эндиликда ана шундай олийгоҳлар билан «борди-келди» қилиш жараёнида аниқ мақсадни кўзда тутиш зарур бўлади. Шу ниятни дилига туккан институт АҚШнинг Миссисипи университети, Италиянинг Материаллар структураси институти, Испаниянинг Кантабрия университети, Болгариянинг София кимё-технология ва металлургия университети, Финляндиянинг Хельсинки университети, Латвиянинг Латвия университети, Чехия Республикасининг Чехия табиий фанлар университети, Руминиянинг Вест Тимсоара университети, Алба Юлия университети, Даниянинг Копенгаген университети, Жанубий Кореянинг Кумок миллий технология университети, Конкук университети, Улсан универ-


ситети, Хитойнинг Ланжоу технология университети, Шандун Фанлар Академияси Биология институти, Шандун Фанлар Академиясининг Автоматлаштириш институти, Беларусь давлат технология университети, Д.И.Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети, Россия нефть ва газ университети, Санкт-Петербург давлат технология институти, Қозон миллий тадқиқот технологик университети, Москва технологик университети, Иваново давлат кимё-технология университети, Қозогистоннинг М.Авезов номидаги Жанубий Қозогистон давлат университети, К.Жабанов номидаги Ақтубинск регионал давлат университети билан дўстона ва ҳар икки томон учун манфаатли алоқалар йўлга қўйилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида йигирмадан ортик хорижий профессорлар институтига келиб, талабаларни ўз билимларидан баҳраманд этинди. Аҳамиятлиси шундаки, Беларусь давлат технология университети, Могилёв озиқ-овқат университети билан ҳамкорликда қўш дипломли дастур асосида бакалавр таълим йўналиши ва магистратура мутахассислари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунингдек, институтининг «Озиқ-овқат санаяти машина ва жиҳозлари» бакалавр таълим йўналишининг 20 нафар учинчи курс талабаси ишлаб чиқариш амалиётини Беларусь давлат технология университети базасида ўташди.

Истеъдод ғунчалари

*Навоийнинг авлодлари,
Қўлларидан тилла тори,
Қизгин мушоиралари,
Янги газал, янги мақом,
Бу мажлисга кирим мен ҳам.*

Дарҳақиқат, Тошкент кимё-технология институтида шоир-ёзувчилар билан тез-тез дийдорлашиб туриш яхши анъанага айланган. Ана шундай учрашувлар чоғида аjoyиб шеърлар баралла янграб шеърят мухлисларини хушнуд этади.

Дарвоқе, ижод завқи-ю сурури нега ҳар кимга насиб этавермайди? Чиндан ҳам, бу нарсга илоҳий неъматми, тақдир тухфаси ё тугма қобилиятми? Негадир, кўпчилик ёш қалбларини аини шунга ўхшаш савол кўпроқ қизиқтиради. Айниқса, талабаларга таниқли шоира Зулфия Мўминова ҳамда Бобур Бобу-муроднинг юрак-юрагидан вулкон каби қайнаб чиқаётган сатрлари жуда маъқул келди. Негаки, сўз сеҳрларининг



Реклама ўрини

БЕШИК БУ МАСКАН

асарларида ранг-баранг образлар, ўхшатиш, ташбеҳлар, лирик чекинмалар, манзара, кифа тасвири, ғамгин, шодон ҳолатлар кўп учрайди. Очиги, институтда санъатга, адабиётга улкан меҳр қўйган талабалар сероб. Шунинг учун бу ерда ҳар йили шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари ўзгача тайёргарлик билан ўтказилади. Умуман олганда, ёшларни турли ёт ғоялардан асраб авайлаш мақсадида уюштирилаётган учрашувларнинг нафи катта бўлмоқда.

Ўзи ҳар қандай одам боласи дунёга юраги ва вужудида ўрнашган истеъдод элементлари, ўзинга хос иқтидор хужайралари билан келаркан. Шунинг учун аксар болалар гўдакликдан талай нарсаларга ўта қизиқади. Аслида ҳамма нарса ўша бегубор ва кувнок фаслдан бошланади-ку, ахир. Негаки болаликда уйғонган истеъдод ғунчалари тўғри парвариш қилинса, ижобий натижа кутиш мумкин бўлади.

Айрим устозлар ҳар бир дарсни жонли, қизиқарли, фантазияга бой тарзда, хотираларни эслаб ўтади. Бу хотиралар болаларда қизиқиш уйғотиб, ҳаёлий оламини хийла кенгайтириб юборар экан. Назаримда боланинг ким бўлиб етишишига ўша мурғак ёшда «муносиб пойдевор» қўйилар экан.

Шу маънода, устозлар институтда «ийл» этган истеъдодни кўриб қолгудек бўлса, дунёларга сиғмасдан уни юзага чиқаришга уринади. Қизик бир ҳолат. Зўр истеъдодлар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, ўз-ўзидан ижод чўққисини забт этмайди. Институт талабалари Бекзод Мамарасулов ҳамда Фатхуллоҳ Қаҳрамон Беруний номидаги давлат стипендиясига, Шаҳбоз Шавкатов Исро Каримов номидаги давлат стипендиясига лойиқ кўрилган бўлса, таянч докторантлар орасидан Акмал Бобоев Президент стипендияси соҳиби ҳисобланади. Аслида улар бундай эътирофга машғулларини яхши ўзлаштиргани ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун сазовор бўлишган. Қолаверса, бу ерда иқтидорли ёшлар билан ишлаш борасида яхшигина тажриба тўплаган. Шунинг учун вилоят, республика ҳамда халқаро микёсдаги беллашувларда муносиб иштирок этиб совринли ўринларини банд этиб тенгдошларини мамнун этаётган

ёшлар бир талай. Масалан, Отабек Ҳамзаев кикбоксинг бўйича, Фаррух Баратов кўл жангида Осиё чемпиони ҳисобланади. Келажакда Фаррух ҳамда Отабек сингари мамлакат байроғини олис юртларда мағрур хилпиратишни юрагига туккан ёш иқтидорлар сони тобора ортиб бормоқда. Назаримда бунда институтда фаол ишлаб турган йигирма иккита илмий-ижодий, иккита ҳаётга тайёрлаш, бешта спорт тўғарақларининг салмоқли улуши бўлса керак. Мазкур тўғарақлар ўз атрофига 1100 дан кўпроқ ёшларни қамраб олган. Шу билан бирга, ўз фондида 143 мингта китобни жамлаган бой кутубхона ҳам талабалар ихтиёрида. Улар мурола жараёнида асар қаҳрамонлари билан бирга яшайди, изтироб чекади, қувонади. Илм даргоҳида фаол яшай олиб бораётган 380 нафар профессор-ўқитувчи ўз устида кунт ва сабот билан ишлашни, соҳадаги янгилик ва ўзгаришлардан ҳабардор бўлиб боришни ўз олдига асосий мақсад этиб олган. Уларнинг қирк беш нафари профессор, бир юз йигирма нафари фан номзоди, доцентлардир. Институтнинг кафедралари ва илмий тадқиқот лабораторияларида бажарилган катта ҳажмдаги изланиш натижасида эликдан ортик фан доктори ҳамда бир юз эллик нафар фан номзоди тайёрлашга муваффақ бўлинди. Бундан ташқари 2018-2019 ўқув йилининг ўзида профессор-ўқитувчиларнинг ўн беш нафари АКШ, Хитой, Италия, Финландия, Жанубий Корея, Россия, Беларусь сингари давлатларнинг нуфузи баланд олийгоҳларида малака ошириб қайтган бўлса, ўндан ортик магистр Қозон миллий тадқиқот технология университетида тахсил олмоқда, икки нафар тадқиқотчи Хитойнинг Шандонг Фандар Академияси илмий тадқиқот институтларида ўз билим ва кўникмасини оширяпти. Талабаларга машғул ўтиш жараёнида бундай амалиёт ўзининг сезиларли натижасини бера бошлади. Бугунги кунда институтнинг захматқаш олимларининг тинимсиз саты-ҳаракатлари туфайли қурилиш материаллари, чинни ва санитар фаянси, шиша ва ситаллар, тиббий материалшунослик, иссиқликни химояловчи материаллар, камёб нодир металллар технологиялари, кимёвий ва озик-овқат технологияларининг экологик муаммолари ечимлари, минерал ўғитлар, ноорганик бирикмалар, янги органик бирикмаларнинг синтези, янги полимер материаллар, нефть ва газни қайта ишлаш технологияси, катали-

затрлар ишлаб чиқариш, целлюлоза асосидаги материаллар, ўсимлик ва бошқа ёғлар ишлаб чиқариш, алкоголь ва алкогольсиз ичимликлар ишлаб чиқариш, гўшт ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, дон маҳсулотлари технологияси, озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги, товарлар кимёси, биотехнология маҳсулотлари сингари долзарб ва муҳим илмий-тадқиқот йўналишларидаги янгилик ва иқтидорлар устида сидқидилдан иш олиб бормоқдалар. Биласиз, мазкур йўналишлар кундалик ҳаётимиз учун жуда ҳам муҳим саналади. Т.Атақўзиев, А.Эркаев, Х.Мирзакулов, М.Арипова, Т.Турсунов, Р.Назирова, Ш.Муталов, Х.Пўлатов, Х.Нурмухамедов, Х.Қодиров, А.Мақсумова, А.Икромов, Т.Абдураҳимов, Ф.Мағрунов, А.Жалилов, Р.Адиллов, Т.Низамов, М.Алиммухамедов, Г.Раҳмонбердиев, М.Пиримқулов, А.Ибодуллоев, А.Мақсумов, П.Илҳомжонов, П.Турсунходжаев, С.Абдураҳимов, Қ.Додаев, М.Раҳимжонов, М.Тошмухамедов, Н.Хўжамшукуров, Ғ.Ҳамроқулов, П.Исматуллаев, Д.Раҳимов, О.Ҳакимов сингари мамлакатимиз жамоатчилигига яхши таниш бўлган профессорлар ўз илмий йўналишлари, соҳалари бўйича ихтиролари учун патент соҳиблари ҳисобланади. Бугунги кунда уларнинг муносиб издошлари ҳисобланган бошқа олимлар ҳам қатор долзарб йўналишларда изланиш олиб бормоқда. Мақсад – кимё-технология соҳаси қаддини кўтариш, мавқени мустаҳкамлаш.

Ўзингиздан устозлар

Кези, ўрни келгудек бўлса устозлар шоғирларидан юрагини, қалбини, бутун бολиғини аямайди. Ҳар бир юмушни борида меҳр, қатта масъулият билан адо этади. Аслини олганда, билим олиш, ўқиб-ўғиниш, маърифат ва зиё тарқатишга интилиш ўзбек халқини асрлар давомида қон-қонига сингиб кетган, десак сираям муволафа қилганга бўлаемиз. Буни қаранг, бутун бутун мамлакат бўйлаб ҳаётбахш ислохотлар кечмоқда, ҳаётга изчилик ҳамда тезкорлик билан тадбиқ этилиши керак бўлган ғоялар эса анча сероб.

Аҳамиятга молик жиҳати шундаки, илм даргоҳида ўқитиш билан бирга тарбия жараёнида инсон зийнати ҳисобланмиш олижаноблик, самимийлик, ватанпарварлик сингари бебаҳо ва ўта ноёб фазилатларни ёшлар онг-шуурига синдиришни устозлар зўр бериб урдасидан чиқишмоқда. Боя айтгани-

миздек, бундай устозлар сони илм даргоҳида уч юз саксон нафардан ортик. «Эл-юрт умиди» фонди грантларида доимий тарзда фаол иштирок этишлари учун институтнинг барча кафедраларида ёш олимлар, профессор-ўқитувчиларга муносиб шарт-шароит яратилган. Натижада йигирмадан ортик профессор-ўқитувчилар ушбу грант соҳиби бўлишди. Ўтган йили ўн беш нафар устоз хорижда малака ошириб қайтган бўлса, бир юз ўн беш нафар профессор-ўқитувчи республикамиздаги малака ошириш ва қайта тайёрлаш тармок марказларида билимини бойитди. Яна бир муҳим гап. Умумасбий ва мутахассислик кафедраларига хорижий замонавий ва сўнгги русумдаги лабораториялари келтириладиган бўлди. Сир эмас, мазкур лабораториялар Япония, Россия, Германия, Италия давлатларининг донғи оламга кетган компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, уларнинг иш унуми жуда юқори. Бу эса талабанинг дарсни ўзлаштириш ва ёлда сақлаб қолиш имкониятини ўн чандон оширади.

Ёш қалблардаги самимият

Тиниб-тинчимайдиган, ўт-олов, қонида ғайрат кўпириб ётган ёш қалб соҳиблари ўз орзу-умидларига етишишга қатъий туриб ақл қилган кўрилади. Назаримда бундай ёшларни йўлида учрайдиган ҳар қандай тўсиқ ва муваффақиятсизлик мақсадида чекинтирмайди, қалғолмайди.

– Ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий, таълим-тарбия ва бошқа соҳаларда эришган қатор муваффақиятлар сабаб бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари орасида ўн бешинчи ўринни банд этиб турибмиз, – дейди **Тошкент кимё-технология институтининг ёшлар билан ишлаш бўйича проректори, кимё фанлари доктори Хайрулла ПЎЛАТОВ**. – Яқин келажакда ушбу рейтинг кўрсаткичини бундан ҳам юқори поғонага олиб чиқиш чораларини кўрамиз. Шу мақсадда янги ўқув йилидан бошлаб илм даргоҳига яна йигирма нафар хорижий профессор жалб этилади, йигирма икки нафар кафедра мудири хорижий стажировкага юборилади, хориждаги олтинга нуфузли олий ўқув юртлари билан алоқалар ўрнатилади. Ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибини танлаш ва тайинлаш самардорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилади. Иш беришчи корхоналар иштирокида учта замонавий лаборатория ташкил этилади, ўттиз битта ўқув аудиторияларида замонавий проректор ва овоз ёзиш камералари билан жиҳозланади. Устозлар иқтидорли талабаларга бириктириб қўйилади. Булардан кўзда тутилган мақсад таълим сифатини оширишдан иборат.

Биласиз, азал-азалдан фарзанд отонанинг овуноғи, юрагининг малҳами бўлиб келган. Бугун кўзларидан ғайрат ва гужур бор ёшлар ўз ақл ва истеъдоди билан танлаган соҳасини пухта ва мукаммал эгаллаб олиши учун барча шароит муҳайё. Ва шу аснода ёшларда шундай бир самимият ялтиллаб қурилади, унда яна навқиронлик ва фидокор ёшлиқнинг ғурури жўш уради. Унда мардона бир азму қарор ҳукм суради. Бундай оловқалб ёшлар Тошкент кимё-технология институти аудиторияларида, сабоқхоналарида сира эринмасдан пухта сабоқ олиб, кейин катта ҳаётга учирма бўлади. У ёқда эса бу ёш қалбларини машаққатли, олиб ўттиш хийла қийин бўлган доvonлар ҳамда бахтиёр, нурли манзиллар кутмоқда. Зеро, ёшлиқнинг ўзи ям-яшил қир-адирларда бўй чўзган майсаларга ўхшаган, шўх, ўйноқи бир чечак мисолдир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Таълим инспекцияси оғохлантиради:

ҚАРШИДАГИ ХАЛҚАРО ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ФАОЛИЯТИ НОҚОНУНИЙ



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASI
HUZURIDAGI TA'LIM SIFATINI
NAZORAT QILISH DAVLAT
INSPESIYASI

Сўнги кунларда «XALQARO IJTIMOYIY-IQTISODIYOT UNIVERSITETI» нодавлат олий таълим муассасаси ва ушбу муассаса 2019/2020 ўқув йилига ўқишга киришга абитуриентлардан хужжат қабул қилаётгани ва ушбу хизмат учун пул ундириляётгани тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига фуқаролар томонидан қўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, «XALQARO IJTIMOYIY-IQTISODIYOT UNIVERSITETI» нодавлат олий таълим муассасаси Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясига лицензия олиш учун бир неча бор ариза билан мурожаат қилган.

Лекин мазкур муассасада олий таълим хизматларини кўрсатиш учун белгиланган талаб ва нормаларга жавоб берадиган, унга мулк ҳуқуқ билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар билан таъминланмаганлиги, замонавий ахборот-коммуникация асбоб-ускуналари, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлар билан жиҳозланган аудиториялар ва ўқув хоналар мавжуд эмаслиги ҳамда илгор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион шакллари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижадорликни ошириш учун керакли шарт-шароитлар яратилмагани сабабли лицензия бериш рад этилган.

Ушбу муассасанинг норасмий фаолияти бўйича Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан Қашқадарё вилояти ҳокимлигига хат юборилган.

Олий ўқув юртида ўқиш истагида бўлган ёшларга ва уларнинг ота-оналарига «XALQARO IJTIMOYIY-IQTISODIYOT UNIVERSITETI» нодавлат олий таълим муассасаси ҳеч қандай лицензияга эга эмаслигини ва уларнинг фаолияти ноқонунийлигини эслатиб ўтмоқчимиз ва бундай ёлгон маълумотларга ишонмасликларини сўраб қоламиз.

Шу билан бирга, лицензия олган нодавлат таълим муассасалари тўғрисида маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг расмий веб-саҳифасида жойлашган лицензиялар реестридан (<http://ntm.tdi.uz>) ҳамда +998 71 231-07-53 (ички рақамлар 1020, 1027, 1037) орқали тўлиқ маълумотларни олишингиз мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Жамоатчилик ва ОАВ билан ишлаш бўлими



15 АВГУСТДАН

ЁҚИЛГИ, ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВА ТАБИЙ ГАЗ ИСТЕЪМОЛИ УЧУН НАРХ ВА ТАРИФЛАР ОШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 июль куни «Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларни ўзгартириш тўғрисида»ги қарори имзоланди, дея хабар бермоқда «Кип.уз» интернет нашри.

Унга кўра, 15 августдан бошлаб: Аи-80 маркали автомобиль бензинининг чакана нархи – бир литри учун **4500 сўм (4000 сўм эди);**

Дизель ёқилғисининг чакана нархи – бир литри учун **5400 сўм (4800 сўм эди);**

ЭКО дизель ёқилғисининг чакана нархи – бир литри учун **5700 сўм (4900 сўм эди)** қилиб белгиланмоқда.

Шунингдек, электр энергияси ва табиий газ учун белгиланган тарифлар ва нархлар ҳам оширилмоқда.

Ёдингизда бўлса, 2019 йил 1 июндан бошлаб табиий ва суюлтирилган газ ва электр энергияси учун нархлар оширилиши назарда тутилган эди. Унга кўра, маиший истеъмолчилар учун 1 метр куб табиий газнинг нархи ҳозирги 320 сўмдан 350 сўмгача, электр энергиясининг 1 киловатти ҳозирги 250 сўмдан 280 сўмгача ошиши керак эди.

Кейинчалик ҳукумат қарориди кўзда тутилганидек, 1 июндан табиий газ ва электр энергиясининг нархи ошмайдиغان бўлди.

Эндиликда, 2019 йил 15 августдан бошлаб ёқилғи-энергетика ресурсларига янги нархлар ва тариф-

лар белгиланмоқда. Эътиборлиси, аҳолига тарқатиладиган электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газнинг нархи 1 июнда ошиши керак бўлган микдордан ҳам кўпрокка оширилган.

Электр энергияси нархи (кВт-соат):

– I ва II гуруҳ истеъмолчилари учун – **450 сўм (250 сўм эди);**

– III гуруҳ истеъмолчилари, жумладан аҳоли учун – **295 сўм (250 сўм эди);**

– IV гуруҳ истеъмолчилари учун – **450 сўм (350 сўм эди);**

Президентнинг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379 сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича махсулот ишлаб чиқарувчи ва алоҳида хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун – **450 сўм (365 сўм эди).**

Табиий газ (метр куб)

Аҳолига коммунал-маиший эҳтиёжлар учун, идоравий ва муниципал турар-жой фонди, юридик шахслар ётоқхоналари, аҳолини табиий газ билан таъминловчи хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, турар жой хоналари иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш учун газ ҳисобини юритувчи асбобга эга локал қозонхоналар учун – **380 сўм (320 сўм эди);**

Аҳолига коммунал-маиший эҳтиёжлар учун газ ҳисобини юритувчи асбобга эга бўлмаса:

Овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун – **660 сўм (553 сўм эди);**

ЯНГИ ҚОНУН

КИМЛАР ҚУРОЛ СОТИБ ОЛИШИ МУМКИН?

Ўзбекистон Республикасининг «Қурол тўғрисида»ги қонуни имзоланди



● Қонунга кўра қуролнинг қуйидаги турлари фарқланди:

- ▶▶ фуқаровий қурол;
- ▶▶ хизмат қуроли;
- ▶▶ жанговар қурол.

Фуқаровий қурол жумласига ов, спорт ва ўзини ўзи химоя қилиш қуроллари қиради.

● Қуйидагилар ўзини ўзи химоя қилиш қуроли ҳисобланади:

- ▶▶ газли қурол – кўздан ёш оқизадиган ёки ачиштирадиган моддалар билан тўлдирилган газли баллончалар, механик пулгагичлар, азрозоли қурилмалар ва бошқа қурилмалар;
- ▶▶ электрошок қурилмалари, учкун чикаргичлар ва шикаст етказувчи таъсири электр энергиясидан фойдаланишга асосланган бошқа қурилмалар.

Жамоат жойларида, шаҳар, шаҳар атрофига катновчи, шаҳарлараро ва халқаро транспортда қуролни очик ҳолда

(ғилофсиз) олиб юриш тақиқланади.

18 ёшга тўлган фуқаролар фуқаровий спорт қуроллини ва ўзини ўзи химоя қилиш қуролини, 21 ёшга тўлган фуқаролар фуқаровий ов қуролини олиш ҳуқуқига эга.

Миллий гвардия органлари томонидан бериладиган 3 ойлик руҳсатномалар асосида фуқаровий ва хизмат қуроли олиниши мумкин.

Фуқаровий ва хизмат қуролини олишга доир руҳсатнома қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини олиб юриш ва қўллаш ҳуқуқини бермайди.

● Руҳсатнома олиш учун фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича Миллий гвардия органига қуйидагиларни тақдим этиши шарт:

- ▶▶ ариза;
- ▶▶ шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт);
- ▶▶ қуролдан хавфсиз фойдаланиш

БИЛАСИЗМИ?

1 АВГУСТДАН ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР СЎРАЛИШИ БЕКОР ҚИЛИНДИ?

Жорий йилнинг 1 августидан бошлаб давлат идоралари томонидан бир қатор маълумотномалар сўралиши бекор қилинади, деб хабар берди Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизмати.

1 августдан бошлаб давлат хизматларини кўрсатишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан:

- жисмоний шахслардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотномалар;
- солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар;
- тўланган даромадлар ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотномаларни талаб қилиш тақиқланган.

Эндиликда ушбу ҳужжатлар ваколатли органлардан фақат идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши назарда тутилмоқда.

Ушбу ҳужжатларни талаб қилиш, бир қарашда аризмас ҳолат бўлиб кўринса-да, аммо фуқаролар учун овозгарчиликларни келтириб чиқарди. «Умуман олганда, энди 6 ойда бир миллионга яқин фуқаролар вақтларини ортиқча қоғозлар ортдан юришгамас, балки ўзлари учун муҳим бўлган ишларга бағишлаши мумкин», – дейилади хабарда.

Иситиш учун – **380 сўм (320 сўм).**

Автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари (шунингдек, ўз балансида автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари бўлган юридик шахслар) учун – **1000 сўм (800 сўм эди);**

Президентнинг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379 сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича махсулот ишлаб чиқарувчи ва алоҳида хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун – **1000 сўм (1000 сўм эди).**

Бошқа улгуржи фойдаланувчиларга – **660 сўм (600 сўм эди).**

Аҳолига рўзғорда фойдаланиш учун реализация қилинадиган суюлтирилган газ (кз.) – **1120 сўм (950 сўм эди).**

қоидаларига оид билими текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

▶▶ қуролга эгалик қилишга қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги тиббий ҳулоса;

▶▶ йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

▶▶ овчилар жамоат бирлашмаси томонидан берилган овчилик гувоҳномаси (ов қуролини олиш учун);

▶▶ овчилар жамоат бирлашмасининг тавсияномаси (сойли стволли ов ўқотар қуролини, шунингдек оғиз қисмидаги қувват 65 жсаудан юқори ва калибри 9 миллиметрдан ортиқ бўлган пневматик ов қуролини олиш учун);

▶▶ отиш спорти соҳасидаги фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс томонидан берилган спортчи гувоҳномаси (спорт қуролини олиш учун).

«Хуқуқий ахборот» телеграм канали

УЙЛАНАЁТГАН ЎҒЛИНГМИ Ё ҲАКАЛАК ОТГАН НАФСИНГ?

Бир аёлни билмаман. Ўзининг назидаги яхши келин излаб қариб уч йилдан буён маҳаллама-маҳалла, шахарма-шахар кезади. Албатта, яхши кизлар кўп, жудаям кўп. Аммо у аёлнинг ўзига хос мезонлари бор. Ана шу «мезон»ларга мосини қидиради, излайди. Бу қандай мезонлар экан, дейсизми? Марҳамат, унда эшитинг.



«Бир яхши киз йўк. Ҳамма кизлар бузилиб кетибди. Бир жойга борувдик, кизи яхшига ўхшади. Аммо, оила бечорахол, роса камбағал экан. Ўғлимнинг ўртоқлари миллионерларга куёв бўлиб, ҳозир ёғли жойларда ишлаб, машиналарнинг «дода»сини миниб юрибди. Ўғлим энди ўша таги пастларга куёв бўладими, деб қайтиб келдим. Биттасининг ёлғиз кизи бор экан. Чиройли, олий маълумотли. Аммо ота-онаси икки хонали уйда яшашар экан. Майли, шундай бўлса ҳам қизидан бошқа меросхўри йўк экан-ку, яна нима бера олар экан, – деб совчиликка бордик. Йўк, онаси ноғиронлик нафақасида, отаси ўқитувчи, кизи ҳам бу йил ўқитувчи бўлиб ишга жойлашибди. Қарасам онасининг ахволи чаток, бу ноғирон аёл мен орзу қилган сепу, «бордикелди»ни қилломаслиги аниқ.

Бир ўғил, бир кизи бор, катта ховлида яшайдиган оилага совчиликка бордик. Бу данғиллама уйни шу ўғил ва кизга деб, қургансизларда шундайми, – дея оғиз солсам, бувиши «Ховли ўғилниги, чиққан киз чиғирикдан ташқари» деса бўладими? «Вой, сизларда уй-жойдан кизга ҳақ ажрати бериш йўқми?» деб сўрасам, бувиши «Сиз келин излаб келдингизми ёки ховлига харидорсизми?» – дея шанғиллаб берса бўладими. Яхшиям олдиндан сўраганим,

сал қолди-я, уй-жойда ҳақки йўк, адо-гадога қайнона бўлиб қолишимга.

Биттасига борсам, кизи университетда контрактда ўқир экан. «Тўйдан кейин контрактни куёв томон тўлайди», – дейди сўзжайиб. Бизга бюджетда ўқийдиган, ақлли киз керак, қизинг бошингдан қолсин, – деб чиқиб келдим. Бир оилага борган эдим, ўғлимни роса суриштиришга тушди. Савол устига савол. Уларга қандай бўлганимдан кейин ҳам ўғлимдан камчилик топса, бошимни оғритмайин, – деб қайтиб келдим...

Шу қўшниларга ҳам ҳайронман, бир яхши жойга қандай бўламиз десак, қўрломай қайтариб юборибди. Маҳалланинг ҳам дўстлиги йўк. Бир тузукрок жойини мўлжаллаб турсак, киз томон келиб-келиб маҳалла профилактика назоридан сўрабди. Ичқорча мелиса ўғлимнинг қамалиб чиққанини айтган-да. Яна биттаси келиб маҳалла раисидан сўраса «У бола ҳали ҳаётга тайёр эмас, оилани бошқариб кетолмайди», – деган эмиш. Нима қиласан шу томонини айтиб? Уйлангандан кейин босилиб қолар, уйда хотини бўлса қўча безорилигини йиғиштирар, уйга қирар, ишга чиқиб кетар. Эҳ, қанча-қанча яхши ниятларим бор. У яхши ниятларнинг ҳаммаси келин орқали бўлади-да. Ниятим оқ, ниятим ўзимга ҳамроҳ бўлсин.

Уйга оёқ боссанг момиклигидан оёғинг чўқадиган қўша-қўша гиламлар, дур қалданг пардалар, кўзни камаштирадиган мебеллар, биллур кандиллар, евро услубдаги стол-стуллар, тилла суви югуртирилган идишлар, қумуш қошиқлар, санчқилар, асл сифатли ошхона мебеллари, юмшоқ мебеллар, ошхона жиҳозлари, бўйи шифтга тегадиган музлатгич, энг зўр чангютгич, деворни бир томонини ўрайдиган телевизор... Ўғлимга тилла узук, тилла соат, туғилган қунига машина. Мени туғилган қунига тоғара-тоғара пишириклар ва тилла узук, эримнинг туғилган қунига табақо сомсаларга қўшиб қостом-шимлар. Қизларимга, қизларимнинг болаларига не бир совғалар...

Қилса қизига қилибди-да, қизининг бахтига қилибди-да. Бир йил ўтиб бешик тўйи. Ана сарпо, мана сарпо. Ўғил назира туғилса, совгага ховли ёки квартира олиб беришлар... Қилса қизининг обрўси, қизининг юзи. Кетса бойдан кетди...

Хуллас, келин излаётган ўша аёлнинг дарду ҳасрати олмага татийди. Бир одам

йўқки, «Хой, сенинг ўғлинг уйланыптими? Ёки ҳақалак отган нафсинг уйланыптими?» деса. Аввал ўғлингиздан гапиринг! На ишининг тайини бор, на бирор хунарнинг. Уйланса, қўчадан уйга қирар эмиш. Эшитинг: 25 ёшга кириб, қирмаган ақл ҳеч қачон қирмайди.

35 ёшга кириб, олинмаган илм ҳеч қачон олинмайди.

45 ёшга кириб, хунар ўрганмаган ҳеч қачон хунар ўрганмайди.

55 ёшда бой бўлмаган одам, ҳеч қачон бой бўлмайди.

Бировнинг мулқига қўз олайтирадиган қилиб тарбиялабсиз-да шунча йил ўғлингизни (азар шунини тарбия деб бўлса). Тамағирликнинг номини қудачилик урф-одатлари номи билан беркитманг. Тиланчига ўхшаб қуданиқидан нима келар экан, – деб қуданинг йўлига қараб ўтиришни қадим қадрият дейишга уялинг.

Янги келган келинга «Уйдагиларингга айт, у нарса қилсин, уйдагиларингга айт, бу нарса қилсин?» дея оладиган «иззат»ингизни қуданинг иззати дея, сифатламанг. Қиз ўстирган ҳам сизга ўхшаш бир одам. Буни асло унутманг!

Сиз мол-мулк танлайсиз эшикма-эшик, Сиз келин излайсиз эшикма-эшик, Киз йўқ деб бўзлайсиз эшикма-эшик, Сизга илму-ирфон керак эмасми? Қарайсиз ҳашамат, ҳаволарига, Нақшин қошинлари наволарига, Майда-чуйда буюм садоларига, Сизга инсоф, имон керак эмасми? Эс-хушиңиз бозор, бозорга боринг, Бир ҳидлаб отишга гулзорга боринг, Озроқ номусланг ва ора боринг Сизга кўзи қўллон керак эмасми? Сиз юракка эмас, ёнга қарайсиз. Қўйхона, молхона, айвонга қарайсиз, Тортинмай, тап тортмай


ҳамёнга қарайсиз, Қалб аталмиш бўстон керак эмасми? Нени излайсиз бир сизга маълум. Нафсингизга қулсиз, нафсига маҳқум, Қибру ҳаволайсиз, ўзингизча қим? Сизга яхши инсон керак эмасми?

Зулфия МҶМИНОВА

НАРХЛАР ҲАҚИДА

унинг ортида кимлар турибди?

Бозорларимизда дала-дўконлари ташкил этилгани айтиш мумкин бўлди. Олибсотарларга ялиниб ўтирмай сабзи-пиёз дейсизми, картошка ёки қарам дейсизми, тарозига тортириб, пулини тўлаб олиб кетаверасиз. Қўл ҳақи уриб қолса ҳам олибсотарларникидан анча арзон. Аммо, бу дала-дўконларида камчилик йўқ, дегани эмас.



гал рўзғорга у-бу нарса олиб келиш учун бозорга борганимда бошқаларга ўхшаб нарх-наводан менинг ҳам энсам қотади. Пештахта ортида хўмрайган олибсотарни эмас, балки чехрасидан нур ёғилиб турган бободехконларимизни кўргим келади. Уларнинг йўриғи бошқача-да. Савдолашсанг ҳам, сўхбатлашсанг ҳам маза қиласан. Уларнинг бағрикенг, чехраларидан нур ёғилиб туради. Аммо, бутун бободехконларимиз ва тadbиркорларимиз пешона тери билан етиштираётган мева-чева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг нархини қим назорат қилади? Маҳсулотларнинг пештахталарда ёзиб қўйилган нархларда сотишсини қим таъминлайди? Қачонгача олибсотарлардан «бу нархни биз ёзганимиз йўқ» деган гапни эшитамиз? Бу каби саволларга қимдан жавоб олиш мумкин? Топилиши амри маҳол бўлган бозор директориданми? Ёки қайси бир бурчақда турган солиқ идораси вакилиданми? Бозорнинг эгаси қим ўзи?

Хуллас, бозорларда тартиб ўрнатилган, дехкон, фермер ва тadbиркорларга кенг қучоқ очардиган, ўзи ўзига хон, қўланқаси майдонларнинг қилловини тортиб қўядиган вақт келди.

Нурдин ОЧИЛОВ

ЭЪЛОНЛАРИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 104-сонли умумий ўрта таълим мактаби 5-синф ўқувчилари учун аниқ фанларга чуқурлаштирилган синфларга танлов эълон қилади. Ҳужжатлар 2019 йил 5 августгача қабул қилинади.

Ўқувчининг тақдим этиладиган ҳужжатлари:

- 1) Ариза
- 2) Туғилганлик тўғрисида гувоҳнома нусхаси
- 3) Баҳолар табели нусхаси.

Мактаб маъмурияти

Тошкент Туризм касб-хунар коллежи (СОБИҚ 129-Тошкент техника билум юрти) томонидан 1979 йилда Абдуллаев Мирвахид Ҳақимовичга берилган Б № 000865 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Темир йўл транспорт институти қошидаги 2-сонли академик лицей томонидан 2014 йилда Қоннова Анна Игоревна номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Савдо маданиятини ошириш борасида улар билан ҳали анча-мунча ишлаш керак. Айниқса, дала-дўконларининг маҳсулотларини ҳам сараланган ва тозаланган ҳолда сотиш рақобатинг асосий гаровидир. Лекин, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Тан олиб айтиш керакки, бозор пештахталари тўла. Бирок, пештахта ортида турганларнинг қовоқларидан қор ёғиб туриши бозорнинг баракасига путур етказмай қолмайди. Чунки улар пештахтадаги маҳсулотнинг эгаси-да. Аслида ҳам шундайми? Йўқ, албатта. Улар бирга олиб, ўнга пуллайдиган олибсотарлар. Яъни, ўндан тўққизни урадиганлар. Улар билан муомала қилишдан азоб иш йўқ. Тумоқ қўришга ҳам пул олишади. Бунинг устига савдолашиб бўлмайди. Оғзига

сиққан нархни айтади. Бир сўм ҳам тушмайди.

Кеча бозорга кириб, пештахталар пешонасига маҳсулотлар нархи етти чақиримдан кўзга ташланадиган қилиб ёзиб қўйилганини кўриб, ҳайрон бўлдим. Яқинроқ бориб ўқидим: сабзи дала дўқонида олибсотар пештахтасидагидан анча арзон нархда турибди. Кўрса кўргулук. Ювиб қўйилган. Хурсанд бўлиб, менга икки кило сабзи тортиб беринг, дедим. Тортди. Маҳсулотни олиб, пулини узатдим. Олибсотар кўзлари ола-қула бўлиб, яна минг сўм берасиз деди. Бу ерда нарх шундай кўрсатилган-ку, деб сўрадим ажабланиб. Бу нарх сиз учун эмас, деди у бақрайиб. Унда нега ёзиб қўйибсиз, – дедим бироз асабийлашиб. Буни мен ёзганим

йўқ, – деб жавоб берди у ўша турки совуқлик билан. Ноилж яна пул бериб, индамай кетдим.

Бели оғриманган очофат, дедим ўзимга ўзим. Кейин... Кейин ўзимга ўзим савол бера бошладим. Ўзи бозор маҳсулотлари нархини қим белгилайди? Бозор маъмурияти ёки бошқа бир киши? Ахир, маҳсулотлар нархи омондан тушмагандир. Нега бозорда ўтирган олибсотарларнинг ҳаммаси тўтидек бир хил нархни айтади? Масалан, бир килограмм картошка баҳосини биттаси тўрт минг сўм дедим, тамом, бошқалари ҳам шу нархни такрорлайди. Ҳеч қайси бири билан савдолашиб бўлмайди. Худди, супермаркетнинг ўзинаси.

Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилар, деганларидек, ҳар

ЭНГ АҲАМИЯТЛИСИ...

Профессор дарсхонага кириб келиши биланоқ талабаларидан ажойиб бир тестга тайёргарлик кўришларини сўради. Талабалар бироз ташвишга тушган ҳолда тест бошланишини кутишар эди. Муаллим ҳар доимгидек тест коғозини орқа ўгириб тарқатиб чиқди. Талабалар тест саволларини ўқиш мақсадида коғозни ўгиришди. Коғоз ўртасида битта қора нуктадан бошқа ҳеч қандай топшириқ йўқ эди. Бундан ажабланган талабалар бир-бирларига хайрон қараб қолишди.

Профессор талабаларнинг юзида ажабланишни кўриши билан уларга: «Мен коғозда нимани кўраётган бўлсангиз, шу ҳақда ёзишингизни сўрайман», — деди. Талабалар ихкиланиш билан тушунарсиз шартни бажаришни бошладилар. Дарснинг охирига келиб, профессор барчадан коғозларни йиғиб олиб, ҳар бир талабанинг ёзган жавобини олдидан овоз чиқариб ўқий бошлади. Талабаларнинг барчаси фақатгина қора нукта ҳақида, унинг коғознинг ўртасида жойлашгани ҳақида ёзган, ўз фикрини баён қилган эди.

Жавоблар ўқиб бўлингач, ора-

га сукунат чўкди ва бироз ўтиб профессор талабаларга: «Мен бу жавобларга баҳо қўймоқчи эмасман. Сизларни мулоҳазага чорламоқчиман холос. Ҳеч ким ўз жавобида коғознинг оқ қисми ҳақида ҳеч нарса ёзмапти. Барча диққат-этиборни қора нуктага қаратибди. Афсуски, худди шу ҳолат бизнинг ҳаётимизда ҳам мавжуд. Биз ҳар доим инсонларнинг ёмон одатларига эътибор берамиз, худди коғоздаги қора нукта каби. Аслида коғознинг оқ жойи қора нуктага қараганда анча даражада кўп. Тириклик

Худо тарафидан бир-биримизга ёрдам бериш, қайғуриш учун берилган совға. Ҳаётимиз хурсандчиликларга, яхшиликларга, яхши инсонларга тўла. Тўғри, ўша қора нуктага ҳам эътибор қаратишимиз, уни тўғрилашга ёрдам беришимиз керак. Лекин бу оқ жойларни унутмаган ҳолда бўлиши керак. Қора нукта эса оқ жойларга нисбатан жуда ҳам кичкина, кўринмасдир», — деди.


Мирносир ҲАСАНОВ
таржимаси
ziyo.uz



ЖАВОҲИР

РАУФ ПАРФИ,

Ўзбекистон халқ шоири

Бир
кушча

Бир қушча деразам ёнида,
Ўлтирар паришон ва гариб.
Йиғлайди, кўзлари ёнади,
Кўзлари иккита марварид.

Бир ажиб навога ўхшайди,
Шоирга ўхшайди у ҳассос.
Мискин соз чалмоққа у шайдир,
Дардига бордир-ку бир асос.

Мен унга қарайман оҳиста,
Мен қушча ҳолига йиғлайман.
Ва лекин билмайман, не истар,
Билмайман, ҳеч қачон билмайман.

ИНТЕЛЛЕКТ

Ғаввослар сир

Сув остига шўнғидиган моҳир ва тажрибали ғаввослар ўзлари билан нина олиб юришган. Сув остида уни олиб юриш бироз ноқулайлик туғдирса ҳам ғаввослар ундан воз кечмаган. Чунки нина улар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Диққат савол: ғаввос нинадан нима мақсадда фойдаланган?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба кунни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz
Телефон: 0 (371) 234-91-82
Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 25 июль 30-сонида берилган саволнинг жавоби: туяқуш.

ТАБАССУМ 😊

Кўзгу тутиб...

Афанди бир оинасиникидан қайтишда отига тескари миниб уйига келди. Эсли от тўғри уйига олиб келиб, дарвоза олдида тўхтади. Бу аҳволни кўрган хотини сўради:

— Нима учун отга тескари минганингиз?
— Мен тескари минганим йўқ, отнинг ўзи тескари турган экан, — деб жавоб берди Афанди.

Хурсандчилик

Ресторанда хўранда официантдан сўрапти:

— Буфет ёнида нега хизматчиларингиз тўпланиб олиб хурсандчилик қилишяпти?
— Бизда шундай анъана мавжуд: ресторани ётишдан олдин «Шикоятлар китоби»ни овоз чиқариб ўқиб, бир хурсандчилик қиламиз.

ПАЗАНДАЛИК

ТАРВУЗЛИ ШИРИНЛИКЛАР


Айни пайтда тарвузлар пишиб, барча расталардан жой олган. Уни сотиб олганда асосан сўйиб ейишга интиламиз. Лекин тарвуздан бир қанча хуштаъм егулик ва яхна ичимликлар ҳам тайёрлаш мумкин. Шулardan баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ШОКОЛАДЛИ ТАРВУЗ

Масалликлар: тарвуз, эритилган шоколад, устига декоратив безак.

Тайёрланиши: тарвуз қатта бўлмаган учбурчак шаклида кесиб олинади ва бир неча соатга музлатгичга қўйилади. Шоколадни эритиб, тарвузнинг устки қисмига қўйиб чиқилади. Безак учун кокос урвоғларини сепиш мумкин. Тарвуз ва шоколад тез эриб кетмаслиги учун дастурхонга тортишдан олдин музлатгичга қўйиш керак.

ТАРВУЗЛИ МУЗҚАЙМОҚ



Масалликлар: 6 стакан пўчоқсиз тарвуз, 2 ош қошиқ шакар.

Тайёрланиши: блендерда тарвуз ва шакар бўтқа ҳолига келтирилади. Қолипларга қўйиб таёқча тикилади ва саккиз соат музлатилади. Хошига қараб лимон, лайм ёки апельсин шарбати қўйиш мумкин.

ТАРВУЗ ВА ФЕТАЛИ САЛАТ



Масалликлар: 1 килограмм тарвуз, 200 грамм фета пишлоғи, 20 грамм яллиз, 1 дона лайм, таъбга кўра зайтун ёғи ва қора мурч.

Тайёрланиши: тарвуз уруғларидан тозаланади ва қатта куб шаклида бўлақчаларга бўлинади. Фета пишлоғи ҳам куб шаклида тўғралади. Иккаласи идишга солиб аралаштирилади. Майдаланган яллиз ва таъбга кўра мурч солиб, зайтун ёғи билан аралаштириб оласиз.

OILA
DAVRASIDA
Itimoiy-aiyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг Ўзини Ўзи Бошқариш Органлари Фаолиятини Мувофиқлаштириш Бўйича Республика Кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;
«Оида» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиков, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситхонова, Мизроп Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадjon Қурунов

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000, Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Ф. Бобожонов
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Буворгма: Т-837 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193
Алкини: 2888 русса. Нарҳи: келишуви асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00

